

УЗУМЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Аннотация: мазкур мақолада мамлакатимиз аграр тармоғида узумчиликнинг ўрни, уни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда иқтисодий кўрсаткичлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Аннотация: В статье исследуется роль виноградарства в аграрном секторе страны, экономические показатели в его выращивании, переработке и экспорте, существующие проблемы и возможности их преодоления.

Annotation: This article examines the role of viticulture in the agricultural sector of the country, economic indicators in its cultivation, processing and export, the existing problems and opportunities to overcome them.

Калит сўзлар: узумчилик, маҳсулот етиштириш, экспорт, виночилик маҳсулотлари, хомашё ва қайта ишланган маҳсулотлар

Узум ва узум маҳсулотларини етиштириш, уни дастлабки ва чуқур қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш буйича мамлакатимизнинг ўрни нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда юқори табиий-экологик, иқтисодий салоҳиятларга эга эканлиги деҳқон ва боғбонларимизда тўпланган бой тажриба ҳамда кўникмалар билан бевосита боғлиқ саналади.

Тармоқнинг бу салоҳиятини сақлаб олиш ва ошириб боришга сўнггий илларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса узумзорларни кенгайтириш, эскирган токзорларни қайта экиш мақсадида олиб борилаётган ташкилий ислохотлар, шунингдек, интенсив технологияларни қўллаш орқали токзорлар ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратилиши натижасида 2017-2020 йилларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, хусусан маҳсулот ҳажми 3 баробар, қайта ишланган виночилик маҳсулотлари 4,2 баробар, экспорт қилинган узум маҳсулотлари миқдори 1,8 баробарга ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Мамлакатимиз аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган еhtiёжларини кондириш учун республикамизда ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотлари умумий ҳажмининг қарийб 80 % етарли бўлиб, қолган қисми саноатда қайта ишлаш (14 %), экспорт (3 %) ва уруғчиликка (3 %) йўналтирилмоқда [2].

Узумчилик тармоғида эришилган ютуқлар ва иқтисодий кўрсаткич ўсиш динамикасига эга бўлсада, узум ва узумчилик маҳсулотларини экспорт қилиш, жаҳон бозорлари талабларига мос, рақобатбардош маҳсулотларни етиштиришда узоқ йиллардан бери тўпланиб келаётган ва ечимини кутаётган қўйидаги масалалар сақланиб қолмоқда:

- узум етиштириш, етказиб бериш ва уни сақлаш билан боғлиқ инфратузилманинг сони, қуввати, жойлашуви ҳамда хизмат кўрсатиш сифати талаб даражасида эмаслиги;

- узумчилик маҳсулотларини савдоси эскича усулларда амалга оширилиши, замонавий савдо усуллари жорий этилмаганлиги, айниқса онлайн савдо, биржа орқали сотиш ва сотиб олиш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- узум ва узумчилик маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт логистикаси ноқулайлиги оқибатида, аксарият ҳолатларда қўшни давлатлар бозори билан чекланиб қолаётганлиги;

- ривожлаган давлатлар, хусусан Европа иттифоқи бозорларига чиқиш учун халқаро сифат стандартлари, хусусан GlobalGAP, Halal каби стандартларининг жорий этилмаганлиги;

- узумчилик хўжаликлари учун малакали мухатассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизими самардорлиги пастлиги, қўйи тизим талаблари асосида кадрлар тайёрланмаслиги, тор доирадаги бевосита узум касалликлари ва агротехнологиялари мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш ёки уларни жалб этишнинг самарали тизимини ишлаб чиқилмаганлиги;

- узум ва узум маҳсулотларни алоҳида ташқи бозорларнинг


хусусиятларига кўра сегментларга ажратилган ҳолда ўрганишга йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг олиб борилмаслиги, бу борадаги аниқ ҳисоб-китоблар ва ишончли рақамларнинг етишмаслиги;

- экспортда юзага келган муаммоли вазиятларни тезкор ўрганиш ва уни таҳлил этган ҳолда маҳсулот етиштирувчиларга бу тўғрисидаги маълумотларни кенг тарқатиш орқали камчиликларнинг такрорланишини олдини олишга қаратилган тузилмаларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Юқордаги ҳолатлар таъсирда узумчилик маҳсулотлари савдосида тебранишлар, ички бозор талабларига мослашиш каби ҳолатлар кузатилиб бормоқда.

Мамлакатимизда сўнгги 10 йилликда узум ишлаб чиқриш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда жами 979,3 минг тонна узум етиштирилган бўлса, 2015 йилда 1518,2 минг тонна ва 2020 йилга келиб 1699,5 минг тонна ёки 2010 йилга нисбатан 73,5 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилган (14-расм).

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бундай ўсиши қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш масалаларини долзарблаштиради. Агар бу масаллар ўз вақтида ечимини топмаса, у бозор баҳорсига ўз таъсирини ўтказгани ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг даромадига салбий таъсир қилади.



1-расм. 2010-2020 йилларда узум ишлаб чиқариш динамикаси, минг тонна¹

¹ Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Хусусан узум баҳосининг йил давомида ойлар кесимида тебраниш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, январ ойида шаклланган бозор баҳосига нисбатан 3 чоракда 30-40 фоизгача тебранганлигини кузатишимиз мумкин (1-расм).



2-расм. 2020 йилда ойлар кесимида узум баҳосининг ўзгариш динамикаси, сўмда²

Бу эса узум бозори иштирокчиларининг маркетинг тадқиқотларини олиб боришда сегментларсиз иш фаолиятни ташкил этиши ёки рақамларнинг етишмаслиги оқибатида юзага келган ҳолат сифатида изоҳланади.

Мазкур ҳолатларнинг барчаси узум етиштириш ва уни экспорт қилиш тизимида янгича ёндашувларни ва замонавий усулларини жорий этишни талаб этмоқда.

Аммо, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни экспорт қилишда хомашё экспортига ихтисослашув кузатилиб, қайта ишлаш орқали экспорт қилиш тизими ривожланиши суст бўлиб қолмоқда. Жумладан, 2015 йилда жами озиқ-овқат маҳсулотлар ва ичимликларнинг экспорти 1288,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан хом ашё экспорти 94,6 фоизни ёки 1221,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2019 йилга келиб эса бу кўрсаткич мос равишда 1465,9 ва 1237,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган (1-жадвал).

² Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

1-жадвал. Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлар ва ичимликларнинг экспортида хомашё ва қайта ишланган маҳсулотлар нисбати, миллион АҚШ доллари³

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Жами	1 288,1	663,4	843,4	1 062,6	1 465,9
Шундан хом ашё	1 221,8	598,9	712,7	907,5	1 237,3
Хом ашё улуши, фоизда	94,9	90,3	84,5	85,4	84,4
Қайта ишланган	66,2	64,5	130,7	155,1	228,6
Қайта ишланган улуши, фоизда	5,1	9,7	15,5	14,6	15,6

Мамлакатимизда узум экспортининг ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина 2020 йилнинг ўзида қиймати 46,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 51 минг тоннадан зиёд узум маҳсулоти хорижга экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 минг тоннага кўп. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, экспорт қилинган узум маҳсулотининг энг кўп улуши Фарғона (15,3 минг тонна), Тошкент (9,6 минг тонна), Наманган (7,2 минг тонна), Хоразм (3,6 минг тонна) ва Қашқадарё (3,1 минг тонна) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Маълумот ўрнида, юртимиз боғларида етиштирилган узум маҳсулотининг экспорти бўйича Қозоғистон 22,8 минг тонна кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясига 20,6 минг тонна ва Қирғиз Республикасига 7,1 минг тонна узум меваси экспорт қилинган⁴.

Қайта ишланган узумчилик маҳсулотлари экспорти эса 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 30,5 фоизга ошган. Хусусан, 2018 йилда 17675,2 минг доллар қийматидаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда 23068 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган (2-жадвал).

³ Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

⁴ <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-13-ta-davlatga-uzum-eksport-qildi>

**2-жадвал. Виночилик маҳсулотлари экспорти тўғрисида маълумот,
минг долл⁵.**

Маҳсулот номи	2018 йил экспорти	2019 йил экспорти	Маҳсулотнинг экспортдаги улуши %	2018 йилга нисбатан ўсиш %
Жами:	17 675,2	23 068,0	-	130,5
Виночилик маҳсулотлари	12 162,5	12 835,1	55,6	105,5
Узум ҳом ашёси, ш.ж:	10 896,1	10 913,4	47,3	100,2
Вино ҳом ашёси	3 487,3	3 108,2	13,5	89,1
Коньяк дистилляти	4 988,9	4 626,4	20,1	92,7
Узум концентрати	2 419,9	3 178,8	13,8	131,4
Тайёр маҳсулот, ш.ж.:	1 380,0	2 022,1	8,8	146,5
Вино	742,3	975,6	4,2	131,4
Коньяк	524,0	946,1	4,1	180,5
Ликёр-ароқ	113,6	100,4	0,4	88,4
Шиша идишлар ва бутловчилар	3 142,1	2 086,0	9,0	66,4
Этил спирти	0,0	176,3	0,8	-
Бошқа саноат маҳсулотлари	2 257,0	7 870,2	34,1	3,56

Қайта ишланган узумчилик маҳсулотлари экспорти улушига этибор қаратадиган бўлсак, 55,6 фоизи виночилик маҳсулотлари, 47,3 фоизи эса узум ҳом ашёси ҳисобланади. Вино ҳом ашёси 13,5 фоиз (3108,2), коньяк дистилляти 20,1 фоиз, узум концентрати 13,8 фоиз, шиша идишлар ва бутловчилар 9 фоиз, этил спирти 0,8 фоизни ташкил этмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар кўрсатадики, соҳада ресурс салоҳияти юқори бўлиб, уни тўғри ташкил этиш ва фойдаланиш натижасида жаҳон бозоридаги ўз ўрнимизга эга бўлишимиз мумкин. бунинг учун эса қуйидаги вазифаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- узум ва узумчилик маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишда токзорларни жойлаштиришда ҳудудий хусусиятларни инобатга олиш, имтиёзлар беришда мавжуд молиявий ресурсларни ҳудудлар бўйича мақсадли равишда таксимлаш;

⁵Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари

-узум ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб бериш инфратузилмасини ривожлантириш, бунда қўшни давлатлар билан чуқур интеграцияни таъминлашга эътибор қаратиш лозим;

- халқаро сифат кўрсаткичларини узумчилик соҳасига жорий этиш орқали ривожланган давлатлар бозорида рақобатбардош маҳсулот етиштириш;

- экспорт қилишда кўзга ташланаётган муаммо ва маҳсулот сифат кўрсаткичларидаги камчиликлар аниқланган тақдирда унга қарши ўз вақтида таъсирчан чоралар қўллаш ва камчиликлар тўғрисида узумчилик хўжалкиларига тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, узумчилик тармоғи мамлакатимиз аграр тармоғининг ажралмас қисми бўлиб, маҳсулот миқдори жиҳатидан ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Шу боис, эндиликда экспорт учун ишлашимиз, ташқи бозорлар талабига тез маслаша олишимиз ва қайта ишлаш тизимини тўғри ташкил этган ҳолда виночилик маҳсулотлари импортининг ўрнини боса оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга устуворлик бериш орқали аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари
2. <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-13-ta-davlatga-uzum-eksport-qildi>
3. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари
4. <https://www.uzdaily.uz/articles-id-26502.htm>.